

Ушбу март ойининг еттинчисида чоршанба куни ўзбек драм тўдаси томонидан кишлоқ «Турон»да Кофкосия туркларининг атокли адиб ва шоирлари Хусайин Жовиднинг тўрт пардалиқ «Иблис» фожиаси ўйналди.

Ўрток Хуршид калами билан ўзбекчалаштирилган бу асар байт оралаш ёзилгон адабий, ишкий ва харбий бир томошадир. Бу асарда йигирманчи маданият асрида яшагон одам болаларининг кўлларисидаги билим ва хунарни кон тўкиш, одам ўлдириш, хонумон бузиш каби эгри ва ёмон ишларга сарф этиб, ёмонлик ва ярамасликда Иблис(сатана)дан хам ўтиб кетганликлари кўрсатиладур. Бутун ёмонликларнинг туб омили деб юргазилатургон Иблис бу асарда, «одам болаларининг ёмонликларини кўруб шарманда бўлуб колгонлигини» билдирадир. Асарнинг асл ўзи шундайми ёки, кўл билан неча маротаба кўчирилиб ёзилгон нусхадан ўзбекчалашдирилиб, «шўрбасининг, шўрбаси» бўлуб колгонлигиданми, билмадим, асарда дарров сезилатургон бир каршилиқ (зидлик —противоположность) бор. Юкорида айтганимдек, «ёмонликда одам болалари мендан ўтдилар» деб даъво килгон Иблис асарда бошдан-оёқ ёмонликни ўзи киладир. Ўзи хакикий омил шаклида кўриладур.

Одам болаларининг ёмонликларидан тўйгон ва шул сабаблиқ, улар орасидан кочиб ўрмонларга кетган Ориф кисман ўшал иблисининг хийласига алданиб, катта жиноятлар киладур. Яъни: уни севгувчи бир гунохсиз киз (Ховар) нинг захар ичиб ўлмакига сабаб бўладир. Охирда келиб ўзи суйиб юрган бир киз учун ўз укаси (Васф) ни отиб ўлдирадур. 1925 ва 16 нчи йилларда бўлгон машхур Чанок калъа урушини хаёл билан кўрган чогида (биринчи парда), одам болаларига ва уларни йўлдан ургувчи Иблисга шу кадар лаънат ёғдирадурким, сира кўя колинг! Биринчи пардада шу холда бўлгон ва ундан сўнгги пардаларда хам одамларнинг ёввойилигидан шикоят килгон хам Иблисни каргагон Ориф 3 нчи пардада Иблисининг кўлини ўпадур, уни бир пир, бир каромат эгаси, бир Хизр деб эътикод киладур. Дуруст, ул пардада Ориф Иблисни одам киёфатида кўрган, танимагон эди, локин одам болалари учун Иблисдан хама вақт хавф-хатар борлигини яхши тушунатургон эди.

Пиесаниннг сўнгги пардасида Онатўлидаги турк исёнчилардан бир киши (Элхон) кўрсатиладир. Бу исёнчи Онатўлида иттифокчиларга карши инглиз жосусларини франсуз айгокчиларини, хиёнатчи (сотилгон) араб ва туркларни кўб суруштуруб ўлтурмасдан, мархаматсиз отиб ўлдирадур, адолатдан жуда юксак сўзлар билан ох айтадур. Аммо ўзи жахонгирларга карши Онатўлида бош кўтарганларга (камолчиларга) каршидур. «Эхтимол, кишлоқ халки ва ишчи омма манфаатини кузатадургон кишидур», демокчи бўлсак, у эски пошшоларнинг биридур. Унинг сўзларида халиги тўгрида имо-ишорат йўқ. Эхтимолким, бу нарса пиесаниннг «шўрбаниннг шўрбаси» бўлгонлигидан келган бўлса.

Ўйналиш жихатида келсак:

Сахнага кириш-чикиш, сўзларни вақтида айтиш, фонарларнинг ёниш-ўчишларида кўрулган бирмунча камчиликларни санамасак, умуман текис ва зарарсиздир. Иблис

Абдулхамид Чўлпон. "Иблис" (1923)

Муаллиф:

13.03.2014 23:16 -

рўлида Аброр, Ориф рўлида Уйгур, ибн Ямин (хоин араб) рўлида Сайфи яхши эдилар. Кизларнинг иккови ҳам (Раъно, Ховар) зарарсиз ўйнадилар. Бунларда факат юмшоклик, бўшлик бор эди. Бошқалар ҳам текис олиб бордилар. Халк тўла, унум яхши эди: хатто жой бўлмасдан кайтиб кетганлар ҳам кўб бўлгон. Шу ерда кичкинагина бир нарса ёзиб ўтишни керак билдим. Бу томошага «ёшлар» деб аталгон «миллатпарвар»ларнинг ҳам кўблари келган эдилар. Хатто янги шаҳар театрларидан сира колмайтургон баъзи бир «ортик маданий» ёшларимиз ҳам шу томошада бор эдилар... Демак, булар ҳам бу йўли ўз сахналарига кизикканлар экан... кўз тегмасин!

Иблис — «Туркистон» газетасининг 1923 йил 14 март соннда эълон килинган.

Хусайн Жовид (1882—1941) — атокли озарбайжон шоири ва ёзувчиси, драматург. Ўз ижодий фаолияти давомида 18 та пьеса (уларнинг кўпи шеърий) ёзган. Ўзбек сахнасида булардан — 1915 йилда ёзилган «Шайх Санъон» ва 1917 йилда ёзилган «Иблис» пьесалари кўйилган.

«Камолчилар» — 1918 йилда боскинчиларга қарши бош кўтарган турк ватанпарварларининг раҳнамоси Мустафо Камол «Отатурк» тарафдорлари.